# ЗИММАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТ

**Юртимизда кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги вақтда аҳоли турмуш тарзини, саломатлигини, таълим тизимини яхшилашга алоҳида аҳамият берилаётганлиги қувонарли ҳол. Айниқса, ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик бугун кундалик ҳаётимизда ўз тасдиғини топмоқда.**

Жумладан, ҳар бир туман ва шаҳарда қурилаётган янги коллеж ва лицейлар, уларнинг замонавий янги технологиялар билан жиҳозланганлиги, иқтидорли талаба ва истеъдодли ёшлар учун таъсис этилаётган Давлат мукофотлари, ёш спортчиларга билдирилаётган ишонч эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшларга кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

2010 йилнинг Президентимиз томонидан "Баркамол авлод йили" деб номланиши ҳам бу йўлда қилинаётган изчил ислоҳотларнинг давомидир. Бу ном ҳар бир оиланинг, ота-онанинг, қолаверса, биз устоз-педагогларнинг ҳам зиммасига янада улкан масъулият юклайди. Зеро, соғлом ва баркамол фарзандларни вояга етказиш, уларни етук мутахассис қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг энг устувор вазифамиздир.

**Миршариф НОМОЗОВ,**
**Қуйичирчиқ тумани агроиқтисодиёт коллежи ўқитувчиси.**

# «АТИРГУЛ» ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси журналист хотин-қизларнинг касбий маҳоратини ошириш, интеллектуал савиясини юксалтириш ва мамлакат ижтимоий ҳаётидаги фаоллигини кучайтириш мақсадида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган анъанавий "Атиргул" кўрик-танловини эълон қилади.**

Танловга 2009 йилнинг 1 мартидан 2010 йилнинг 15 февралигача босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган, телевидение ва радио орқали эфирга узатилган ҳамда интернет нашрларида берилган материаллар 2010 йилнинг 20 февралигача қабул қилинади.

Танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида топширилади.

Танловга тақдим этилаётган ижодий ишларга муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси, манзили ва боғланиш телефонлари илова қилиниши керак.

**Материаллар "Атиргул" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 100129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 35- ва 37-хоналар. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси. Тел.: 244-64-61; 244-37-87. факс: 244-69-65.**




| | Январь | Февраль | Март | Апрель | Май | Июнь |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ду | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 |
| се | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 |
| чр | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 |
| пш | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 |
| жу | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 |
| шн | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 |
| як | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 |

| | Июль | Август | Сентябрь | Октябрь | Ноябрь | Декабрь |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ду | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 |
| се | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 |
| чр | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 |
| пш | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 2 9 16 23 30 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 |
| жу | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 3 10 17 24 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 |
| шн | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 4 11 18 25 | 2 9 16 23 30 | 6 13 20 27 | 4 11 18 25 |
| як | 4 11 18 25 | 1 8 15 22 29 | 5 12 19 26 | 3 10 17 24 31 | 7 14 21 28 | 5 12 19 26 |

# КУЛГАНГА НИМА ЕТСИН

## ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИСИДАН

**Янги йил бетакрор туйғулар, унутилмас лаҳзалар билан ёдда қоладиган мўъжизавий байрам. Унинг мўъжизакорлиги шундаки, ҳар кимнинг дилидаги орзуси қанот қоқади, кўнгил шодликка, дилтортар хонишлару, ичакузди ҳангомаларга мойиллик сезади. Сизни йўқлаб келган ҳар бир инсон эзгулик элчиси бўлиб кўринади.**

**Шундай ажойиб кунда халқимизнинг ардоқли кулгисевар сўз усталари бисотидан олинган латифалардан айримларини сизга ҳам илиндик. Уларнинг ичакузди ҳангомаларидан баҳраманд бўлинг.**

### ЭСДАН ЧИҚИБДИ

*Яп-янги кажавали мотоциклни ҳайдаб кетаётган бир киши кўча чеккасидаги дарахтга зарб билан урилибди. Бундан хабар топган автоинспектор бир зумда етиб келиб, тергай бошлабди:*

*– Биродар, наҳотки, шундай баҳайбат дарахтни кўрмаган бўлсангиз?*

*– Кўрдим, – деди у ўзини оқлаш учун, – аммо мотоциклимнинг гажаваси борлиги эсимдан чиқиб қолибди-да!*

### ТУШ ТАЪБИРИ

*Ароқхўр Тўймурод бир куни нонушта пайтида Юсуфжон қизиқникига келиб, унга кўрган тушини айтибди:*

*– Юсуф ака, бугун тушимда Эрмат сўфи менга яп-янги тўн кийгизди. Бунинг таъбири қанақа бўлади?*

*– Сўфидан қарзингиз йўқмиди? – сўрабди қизиқчи.*

*– Бор.*

*– Унда бугун ётиб ухланг, – тушунтирибди қизиқчи. – Навбатдаги тушингизда сўфи кийдирган тўнини ечиб олади-да, кейин сизга қарздан қутулдинг, Тўймурод, дейди.*

*– Ёпирай-я?!*

### ВОКЗАЛДА

*Соат ўнда кетадиган "Андижон-Тошкент" поездига чиқиш учун икки киши Қўқон вокзалига борибди. Шунда биринчиси иккинчисидан сўрабди:*

*– Соат неча бўлди?*

*– Тўққиз.*

*– Ўҳ-ҳў, поезд жўнашига роса бир соат бор экан, ҳув анави магазинда ошнам бор, юр, гаплашиб ўтирамиз.*

*Магазинчи қадрдон ошналарини илиқ кутиб олиб, бир буханка нон, икки дона помидор келтириб, тўнтарилган яшик устига қўйибди. Стаканларга ароқ қуйиб, роса эзмаланиб ўтиришибди. Охири улардан бири қўлидаги соатига қараб:*

*– Ўнта кам ўн бўлибди, кетдик, – дебди. Улар перронга келишса поезд йўқ.*

*– Поезд қани? – сўрашибди бир кишидан.*

*– "Андижон-Тошкент" поездини сўраётган бўлсангиз, кетганига бир соат бўлди, – дебди перрон хизматчиси.*

*Ўшанда маст йўловчи шеригига дермиш:*

*– Асқарвой, яхшиям соатга қараб чопганимиз. Бўлмаса икки соат кеч қоларканмиз.*

## ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

# «НЕКСИЯ»НИ ЮВАМИЗ



Сотимжоннинг шу кунларда кайфияти чоғ. Янги йилда орзуси ушалиб, нексиялик бўлди. Энди уни яхшилаб "ювиш" керак. Лекин, бунинг ўзи бўлмайди, албатта.

Бир ҳисобда, қариндош-уруғ, қуда-анда, айниқса, янги куёвни чақириш ҳам бир кунга белгиланганини яхши бўлди. Бир ўқ билан икки қуённи уриб, дегандек... Катта ўғил "бу тарихий воқеани видеога олиш керак", деб ҳеч қўймади. Буни қаранг, видеочи ҳам оёқ остидан чиқиб қолди. "Бир улфатингизнинг қўшнисиман, арзон-гаров қилиб, кафолати билан видеотасмага муҳрлаб бераман, – деди. – Фақат, видеокамерам носозроқ эди... Бир дўстимда бор, олиб турсак бўлади. Бироқ уни ҳам озгина рози қилиш керак-да. Ҳа, майли, менинг ҳақимни олдиндан берсангиз, шундан тўлай қоламиз".

Шундай қилиб, тўй эгаси келишилган пулни чўнтагига солиб, видеокамерани олиб келиш учун улфатининг қўшниси билан йўлга тушди. Таксини қайсидир кўчада тўхтатиб, бир йигит билан камерани кўтариб чиқишди. Ҳақиқатан ҳам, уларнинг қўлидаги аппарат яп-янги, нархи ҳам шунга яраша эканлиги кўриниб турарди.

"Энди бозорга бориб, энг яхши видеокассетани сотиб олишимиз керак, – деди "видео"чи. – Бир йўла кассетани қўйидириб чиқаман". У аппаратни олиб, бозорга кириб кетди. Сотимжон ҳайдовчи-ю, видеокамера эгасини зериктирмай деб, "Нексия" сотиб олгани ва шу баҳона катта йиғин қилаётгани ҳақида сўзлаб берди. Шу тариқа бир соат ўтди, икки соат ўтди. Ҳайдовчининг тоқати тоқ бўлиб, "Ока, бизнинг ҳар минутимиз ҳисобли, "вақтинг кетди – накдинг кетди", дея писанда қилди. Камера эгаси эса хавотирга тушиб, "Ўзи ишончли одамми у, Сотим ака?" деб қолди. "Ие, сиз уни танимайсизми?" ҳайрон бўлди у. "Йўғ-э, мен жиянингизнинг ўртоғи бўламан. Шунга "дўстингнинг тоғаси шахсан ўзлари илтимос қилди" деганига камерани кўтариб чиқавердим-да.

Сотимжон ниманидир сезгандек, сапчиб тушди. Кўкрагини чангаллаб, бир инграб қўйди.

– Оббо, ярамас-э, бизни боплаб туширибди-ку?!

– Мен билмадим, ака, сиз тўхтатдингиз таксини, энди ҳақини ҳам тўлайсизда?!

– Сотим ака, камера ўзимники эмас, акамники эди, энди нима қиламан?

Сотимжон аламдан "дод" деб юборай деди-ю, олдидагилардан истиҳола қилиб, нафасини ичига ютди.

– Э, ўл аҳмоқ, сенга бу ҳам кам, – хаёлидан ўтказди у. – Ҳовлиқиб, видеочининг манзилини ҳам сўрамаганимни қара...

Аслида, нияти бузуқ одам, манзилини аниқ айтармиди. Уйига таксичи билан видеокамера эгасини бошлаб келганини кўриб, ўғли пешвоз чиқди.

– Келдингизми, дада. Меҳмонлар кутиб қолишди.

Сотимжонни муздай тер босди. У ҳеч қачон бунчалик ўсал бўлмаганди.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

## РАССОМ ХАНДАСИ




Хусан СОДИҚОВ чизган расмлар.

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

**Муассис:** Тошкент вилояти ҳокимлиги

**Бош муҳаррир** Убайдулла Абдушоҳидов

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:** Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**

Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**

Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-41. Адади 12079. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.20. 1 2 5 6 7 8